

ЗИЁЛИЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ РАВНАҚ ЙЎЛИДА ТУТГАН ЎРНИ

ЮСУПОВ ҚУРБОБОЙ ХАМРАЕВИЧ
Жиззах Политехника институти
“Ўзбек тили ва адабиёти” кафедраси ассистенти

Аннотация: *Ушбу мақолада ҳозирги кун ёшларимизнинг маънавий оламида бўшлиқ вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуммиллий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини болалик пайтидан бошлаб шакллантиришимиз зарурлиги хусусида фикрлар билдирилган.*

Калит сўзлар: *таълим, тарбия, технология, маънавият, маърифат, қадрият, гоя, мафкура, инновация, маданият.*

ON THE WAY TO SPIRITUAL AND ENLIGHTENMENT OF INTELLIGENTS POSITION

YUSUPOV KURBOBOY KHAMRAEVICH
Jizzax Polytechnic Institute
Assistant of the department "Uzbek language and literature"

Annotation: *This article expresses the idea that in order to create a gap in the spiritual world of our youth today, we need to instill in their hearts and minds a healthy lifestyle, a sense of respect for national and national values from childhood.*

Keywords: *education, upbringing, technology, spirituality, enlightenment, value, idea, ideology, innovation, culture.*

Бизга маълумки, ҳозирги кунда дунёда шиддат билан глобаллашиб бораётган инсоният учун ҳавф солаётган улкан маънавий таҳдидлар авж олиб бормоқда. Албатта, бу дунёдаги кўплаб мамлакатлар ва халқларнинг иқтисодиётига, сиёсатига ва маънавиятига жуда катта салбий таъсирини

кўрсатади. Хусусан, Ўзбекистон Республикасида мустақиллиги йиллари давомида барча соҳаларда улкан ўзгаришлар юз берди.

Олий таълим тизимини модернизациялаш, ёшларнинг китобхонлик маданиятини ошириш, ёшларни адабиёт, маданият ва санъат соҳаларига қизиқтириш, диний маърифатни такомиллаштириш ва бошқа муҳим масалалар тўғрисида қарор ва фармойишлар қабул қилинди. Зеро давр биздан “Бугунги мураккаб мафкуравий глобаллашув замонида халқимиз, ёшларимиз маънавий ҳаёти қандай кечаяпти?” “Қандай қилиб Интернет ва юксак технологиялар асрида миллий маънавиятимизни сақлаб қолиб, юксалтирамиз?”, “Жаҳолатга қарши маърифат билан қандай курашишимиз керак?” деган саволларга илмий асосли, амалий ишларимиз билан жавоб беришни талаб қилмоқда.

Ҳурматли Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўзининг 2018 йилнинг август ойида сўзлаган нутқларида ижодкор-зиёлилар билан учрашувда маънавият, маърифатни мудофаа вазирлигига тенглаштиргани бежиз эмас. Чунки ҳозирги кунда дунёда ғоявий кураш кетаятгани ва бу кураш тўхтамаслигини айтиб ўтдилар. Шу билан биргаликда, “Ўзбеккино” раҳбарлари билан учрашувда эса “маънавий йўналишларимиз иқтисодий йўналишлардан ўн қадам олдинда юрса, бизнинг катта-катта режаларимиз, дастурларимиз амалга ошишини тушунтирган Президентимиз тузилаётган режалар, дастурларнинг ким учун, нима учун қилинаётганини тушунган халқ кучли, қудратли бўлишини, буни эса маънавият ва маърифат тушунтириши, қуроллантиришини уқтирди [1].

Ўзбекистон Республикасида таълим тизимида олиб борилаётган давлат сиёсатини кўплаб чет элликлар тан олмоқда. Бунинг амалий исботини 2012 йил 17-18 февралда Тошкентда БМТ, Осиё тараққиёти банки (ОТБ), Жаҳон банки, Ислон тараққиёт банки ва Буюк Британия, Германия, Италия, АҚШ, Япония, Россия, Жанубий Корея каби жаҳоннинг 48 мамлакати вакиллари иштирок этган узлуксиз таълим ва ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашнинг миллий моделини яратишда Ўзбекистон тажрибасини ўрганишга

бағишланган “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг муҳим шарти” мавзусидаги халқаро конференциянинг ўтказилишидир.

И.А.Каримов томонидан айтилган “Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур, қудратли элнинг фарзандлари соғлом бўлур” деган фикр ҳозирги пайтда ижтимоий соҳада олиб борилаётган давлат сиёсатининг асоси бўлиб қолмоқда. Чунки интеллектуал салоҳиятни оширишда озиқ-овқат, оила, таълим-тарбиянинг ўрни бир хилдирдир.

Инсон комиллигининг мезонларини эслайдиган бўлсак жисмонан соғлом, ақлан етук, интеллектуал салоҳияти юқори бўлган фарзандларимизгина Ўзбекистоннинг келажagini белгилайди.

Бундан ташқари, ҳурматли Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йилда Олий Мажлисга қилинган Мурожаатномасида “Ўзимиз ўзимизга хиёнат қилмасак, ўзимиз ўзимизни алдамасак, ҳалол-пок бўлиб меҳнат қилсак, кўзлаган барча марраларимизга албатта етишимиз” таъкидланди [2]. Бунда ҳам халқ, ёшларнинг маънавияти назарда тутилди. Чунки маънавиятли одам садоқатли бўлади. Ўз бурчига хиёнат қилмайди, ўзи ўзини алдамайди. Ҳалол-пок меҳнат қилади.

Дунёнинг энг ривожланган давлатларидан бири Япония, Жанубий Корея тарихига назар қарасак, миллий ғоя халқни сафарбар қилиб, вайронага айланган бу мамлакатларни юксак ривожланган давлатга айлантди. Чунончи, энди юксалиш навбати Ўзбекистонга келди. Чунки япон, корейслар ўз бахтини ўз қўллари, ақли, инновациялари билан яратишди. Ҳеч ким четдан келиб уларни бахтли қилгани йўқ. Миллий ғоя уларни инонтирди, ишонтирди, сафарбар қилди. Биз мана шундай хорижий тажрибалар асосида миллий ғоямиз замоннинг янги талаблари асосида халқимизни “Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари” олиб бормоқда. Зеро Ватаннинг бахтли келажagini кўрсатиб, завқлантира олмайдиган ғоя миллатни сафарбар қила олмайди. Шунинг учун Олий Мажлисга Мурожаатномада “Миллий ғоя нима

учун керак?”, деган саволни ўртага ташлаган Президент Шавкат Мирзиёев “Ватанни севиш учун”, деб жавоб берди. Буларнинг барчаси ёшлар, хусусан миллатнинг бўлажак зиёлилари қатлами – ёшларни ғоявий тарбиялашга давлат томонидан ифодаланган ижтимоий буюртма бўлиб ҳисобланади. Бунда “Авваламбор, «оммавий маданият» кўринишида кириб келаётган турли таҳдидлар, гиёҳвандлик, диний экстремизм, миссионерлик каби бало қазолардан ёшларимизни асраш, уларнинг таълим-тарбиясига ҳар биримиз масъул эканимизни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак [3]”

Ёшларимизнинг маънавий оламида бўшлиқ вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуммиллий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини болалик пайтидан бошлаб шакллантиришимиз зарур. Бу эса ҳар биримизнинг фарзандларимиз, ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий камолоти, ғоявий чиниқишига, ҳар хил бузғунчи ғоя ва мафкураларга қарши мурасасиз курашчи руҳида тарбиялашга масъулият билан ёндашишга ундайди. Айнан фарзандларнинг камолоти – эртанги кунда барчамизнинг тинч ҳаётимизни таъминлайди. Бунинг учун уларни миллий ғоя руҳида тарбиялаш, уларга ҳурлик, озодлик, демократик тамойилларга асосланган жамият барпо этиш, эркин фуқаролик жамият асослари ҳақида тушунча бериш барчамизнинг бурчимиздир.

Юқорида зикр этилганлардан келиб чиқиб, хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, бугунги кунда мамлакатимизда фаол тадбиркорлик ва инновацион технологияларни қўллаб-қувватланаётган, илм, маърифат, рақамли иқтисодиёт ривожлантирилаётган жараёнлар билан уйғун бўлиши талаб этилмоқда. Демак, мана шундай янги тарихий вазиятда “Ўзбекистонни инновацион ривожлантириш учун халқимиз, ёшларимизда қайси фазилатларни кучайтириб, қайси иллатларга чек қўйишимиз керак?”, деган саволларга жавоблар керак. Бу саволга маънавий жавоб бериши ва халқимизни бунёдкор ишларга даъват қилиши керак [4].

Фойдаланилган адабиётлар:

1. М.Қуронов «Мустақиллик шароитида халқимизнинг ғоявий тарбияланишининг долзарб масалалари» мавзусидаги Республика илмий-назарий анжуман материаллари 5 май 2020 йил, 9-13 бетлар.
2. Ш.М.Мирзиёев “Мамлакатимиз ва Олий Мажлиснинг 2019 йилдаги тараққиётининг устувор йўналишлари бўйича Олий Мажлисга Мурожаатномаси”. Тошкент., 2018 йил, 28 декабрь.
3. Ш.М.Мирзиёев “Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз”. Т.: «Ўзбекистон» - 2017. 29-б.
4. Б.Н.Гаппаров ва бошқалар. “Халқ педагогикаси”, “Тафаккур” нашриёти, Тошкент. 2009 йил.